

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 2/2 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 2/2

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 2/2



ТОШКЕНТ-2026

1. Мухамедов Хайдарали Мелиевич ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚҚА ТАЪСИРИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	5
2. Мирзаев Файзулла Ибодуллаевич ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	14
3. Авлиякулова Матлуба Авазовна КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	22
4. Baratov Mirodiljon Xomudjonovich, Akramxodjayev Bori Toxtaxodjayevich TURISTIK MAHSULOTNING XUSUSIYATLARI VA BU SOHADAGI RAQOBATBARDOSHLIK.....	29
5. Ergasheva Shohista O'ktam qizi KRIPTOVALYUTALARNING TRANSFER JARARAYONIDA QO'LLANILADIGAN HUQUQ MASALASI.....	39
6. Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	46
7. Гайбуллаев Фаррух Юлдашевич ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАРИ.....	54
8. Matkarimov Qudrat Qalandarovich ISHKI ISHLAR ORGANLARIDA QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATINING O'ZIGA HOS HUSUSIYATLARI.....	62
9. A'zamov Akbarxon Izzatbek o'g'li QASDDAN TO'LOVGA QOBILIYATSIZLIKKA OLIB KELISHNING JINOIY-HUQUQIY JIHATLARI, O'XSHASH JINOYATLARDAN FARQLI TOMONLARI HAMDA XORIJIY TAJRIBA.....	70
10. Хамидов Нурмухаммад Ориф угли ТОРГОВЛЯ ЛЮДЬМИ КАК ФОРМА ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ: ПОНЯТИЕ, СОЦИАЛЬНАЯ ОПАСНОСТЬ И УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ.....	77
11. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich SUN'IY INTELLEKTDAN JINOIY MAQSADDA FOYDALANISHNING JINOYAT-HUQUQIY TAVSIFI, IJTIMOIY-HUQUQIY MOHIYATI.....	85
12. Насруллаев Фирдавс Сухробович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСТРАДИЦИЯ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎРНИ ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	92

АННОТАЦИЯ

В статье с научно-правовых позиций комплексно анализируется институциональная роль Министерства внутренних дел Республики Узбекистан в процессе экстрадиции. Рассматриваются международно-правовые и национальные основы экстрадиции, особенности распределения полномочий между уполномоченными государственными органами, а также значение межведомственного взаимодействия. Обосновывается вывод о том, что Министерство внутренних дел в экстрадиционном процессе выступает не в качестве органа, принимающего процессуальные решения, а как ключевой практико-обеспечивающий механизм. По итогам исследования сформулированы авторские предложения, направленные на совершенствование межведомственного взаимодействия в сфере экстрадиции.

Ключевые слова: экстрадиция, международная преступность, Министерство внутренних дел, Интерпол, межведомственное взаимодействие, права человека.

Nasrullaev Firdavs Sukhrobovich,
Chief Inspector of the Organizational Department of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Independent
Researcher at the University of Public Security.
E-mail: nasrullaevfirdavs@gmail.com

THE INSTITUTIONAL ROLE OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS IN THE EXTRADITION PROCESS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ISSUES OF INTERAGENCY COOPERATION

ANNOTATION

The article provides a comprehensive legal analysis of the institutional role of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan in the extradition process. It examines the international and national legal foundations of extradition, the distribution of powers among competent state authorities, and the importance of interagency cooperation. The study substantiates that the Ministry of Internal Affairs does not act as a body making procedural decisions in extradition cases, but rather functions as a key practical enforcement mechanism. Based on the research findings, the author formulates proposals aimed at improving interagency cooperation in the field of extradition.

Keywords: extradition, international crime, Ministry of Internal Affairs, Interpol, interagency cooperation, human rights.

Кириш:

Ҳозирги глобаллашув шароитида жиноятчилик миллий чегаралардан чиқиб, трансмиллий тус олмоқда. Айниқса, жиноят содир этган шахсларнинг бошқа давлат ҳудудида яшириниб юриши амалиётда кенг тарқалган ҳолатга айланиб, жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлашни қийинлаштирмоқда. Экстрадиция жараёнининг самарадорлиги эса фақат норматив асосларга эмас, балки ваколатли давлат органлари ўртасидаги мувофиқлашган ҳамкорликка, хусусан Ички ишлар вазирлигининг амалий иштирок даражасига ҳам бевосита боғлиқ.

Илмий адабиётларда трансмиллий жиноятчилик, қонда тариқасида, юқори яширинлик даражаси ва уюшган характерга эга бўлиб, бир неча давлат ҳудудини қамраб олиши билан тавсифланади (В.Номоконов)[1]. Мазкур ҳолат экстрадиция институтининг амалий аҳамиятини янада оширади.

Шу сабабли экстрадиция жараёни ҳуқуқий жиҳатдан мураккаб бўлиб, уни амалга оширишда иштирок этувчи идораларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши ҳамда улар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида экстрадиция институти Конституция нормалари, Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилик, шунингдек, халқаро шартномалар асосида тартибга солинади. Бироқ экстрадиция жараёни фақат норматив қондалар йиғиндиси билан чекланмай, унинг амалдаги самарадорлиги давлат органларининг мувофиқлашган фаолиятига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, экстрадиция йўналишида Ички ишлар вазирлигининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга [2]. Ички ишлар вазирлиги экстрадиция масаласи бўйича якуний процессуал қарор қабул қилувчи орган бўлмаса-да, халқаро қидирувни ташкил этиш, ахборот йиғиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, экстрадиция жараёнини амалий жиҳатдан таъминлашда асосий субъект сифатида намоён булади. Экстрадиция жараёни Ички ишлар вазирлиги билан чекланиб қолмай, бир қатор ваколатли давлат идоралар билан ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Мазкур мақоланинг мақсади – экстрадиция институтининг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасида экстрадиция жараёнида Ички ишлар вазирлигининг такшилий-ҳуқуқий ўрнини илмий асослаш ҳамда идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича муаллифлик таклифларини ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақолада экстрадиция жараёнида Ички ишлар вазирлигининг айнан амалий босқичлардаги иштироки илмий таҳлил қилиниб, унинг ташкилий роли комплекс ёндашув асосида илмий жиҳатдан тизимли таҳлил қилинади.

Асосий қисм:

Экстрадиция институтининг халқаро – ҳуқуқий моҳияти.

Экстрадиция институти халқаро ҳуқуқда давлатлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳуқуқий ҳамкорликнинг муҳим шаклларида бири сифатида қаралади. Илмий адабиётларда экстрадиция, одатда, бир давлат ҳудудида бўлган жиноят содир этган шахсни бошқа давлатга жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш мақсадида топшириш тартиби сифатида таърифланади [3].

Халқаро ҳуқуқ илмий қарашларга кўра, экстрадиция давлатнинг суверен ҳуқуқига асосланган институт сифатида баҳоланади. Шу билан бирга, халқаро шартномалар мавжуд бўлган тақдирда, экстрадиция давлат учун муайян мажбуриятларни ҳам юзага келтиради. Бу ҳолат экстрадициянинг икки тарафлама ҳуқуқий табиатга эга эканлигини кўрсатади, бир томондан ихтиёрий қарорга асосланса, иккинчи томондан халқаро мажбуриятлар билан чекланади.

Экстрадиция институтининг халқаро-ҳуқуқий моҳиятини очиб беришда инсон ҳуқуқлари масаласи алоҳида ўрин тутати. Мазкур ёндашув экстрадиция соҳасида тизмили ислохотларни инсон ҳуқуқлари стандартлари билан уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади. Чунончи, замонавий халқаро ҳуқуқ экстрадиция жараёнида инсон кадр-қиммати, қийноққа солинмаслик ва адолатли суд муҳокамасида асосий ҳуқуқларни таъминлашни талаб этади [4, С.299]. Шу сабабли экстрадиция тўғрисида қарор қабул қилишда давлатлар нафақат жиноят содир этилганлигини, балки шахс топширилаётган давлатда унинг ҳуқуқлари таъминланишини ҳам инобатга олиши лозим.

Экстрадиция институтига нисбатан илмий ёндашувлар.

Экстрадиция институтига берилган таърифлар унинг мазмуни ва ҳуқуқий аҳамиятини турлича ёритади. Халқаро ҳуқуқ назариясида экстрадиция, аввало, давлатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик даражасини акс эттирувчи механизм сифатида қаралади.

И.И. Лукашук экстрадиция масаласини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳолаб, халқаро ҳуқуқнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, “халқаро ҳуқуқнинг барча институтлари, шу жумладан экстрадиция ҳам, энг аввало инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши лозим” [5, С.452]. Бу ёндашув экстрадиция жараёнида давлат манфаатлари билан бир қаторда шахс ҳуқуқлари устувор аҳамият касб этишини англатади.

Ўзбек ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларига мувофиқ, экстрадиция институтига илмий эътибор қаратилган. **Д.Ш. Умарханова** “экстрадицияни жиноят содир этган ёки маҳкум қилинган шахсни суд қилиш ёки ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида давлатлар ўртасида халқаро шартномалар асосида топшириш тартиби сифатида таърифлайди” [6, С.7].

Н.А. Сафаров “экстрадицияни халқаро жиноятчиликка қарши курашдаги ҳуқуқий ҳамкорликнинг асосий элементи сифатида баҳолаб, унинг самарадорлигини давлатлар ўртасидаги мувофиқлашув даражаси билан боғлайди” [7, С.26].

Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашув экстрадицияни фақат техник жараён эмас, балки ташкилий-ҳуқуқий мувофиқлашувни талаб этувчи механизм сифатида тавсифлайди. **В.Э. Карпович** экстрадиция жараёнининг халқаро ҳуқуқий принциплар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш стандартлари билан уйғунлигини асослаб беради [8, С.53,61].

Доктринал ёндашувлар билан бир қаторда, экстрадиция институтининг қатор ҳуқуқий ва ташкилий хусусиятлари ҳам мавжуд. Экстрадиция институтининг муҳим хусусиятларидан бири унинг шартномавий характерга эгаллигидир. Аксарият ҳолларда экстрадиция икки ёки кўп томонлама халқаро шартномалар асосида амалга оширилади. Бунда экстрадиция шартномалари жиноятларнинг экстрадиция қилиниши мумкин бўлган турлари, экстрадицияни рад этиш асослари, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари каби масалаларни аниқ белгилаб беради.

Бундан ташқари, халқаро амалиётда экстрадициянинг “**шартномасиз**” шакли ҳам мавжуд бўлиб, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва халқаро одат нормаларига асосланиши мумкин. Бироқ бундай ҳолларда экстрадиция масаласи кўпроқ сиёсий ва дипломатик омилларга сабаб бўлади.

Экстрадиция институтининг халқаро-ҳуқуқий моҳиятини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, мазкур институт давлатлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, унинг самарадорлиги миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга мослиги ва ваколатли идоралар фаолиятининг мувофиқлашганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида экстрадициянинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасида экстрадиция институтининг ҳуқуқий асослари Конституция нормалари, Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилик ҳамда халқаро шартномалар мажмуи билан белгиланади. Мазкур ҳуқуқий манбалар экстрадиция масаласида давлатнинг суверен позициясини ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мажбуриятларини уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экстрадицияга оид асосий принципал қоидалар мустаҳкамланган. Хусусан, Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларини хорижий давлатларга бериб юборишни тақиқлайди [9].

Мазкур конституцион чеклов экстрадиция жараёнида Ички ишлар вазирлигининг ролини мустақил процессуал қарор қабул қилиш эмас, балки амалий-таъминловчи вазифалар билан чеклашни белгилайди. Бу қоида миллий ҳуқуқ тизимида фуқароликни ҳимоя қилишнинг устувор аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Қолаверса, Конституция нормалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро шартномалар асосида бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишини назарда тутди.

Жиноят кодексининг **12-моддасида** Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда содир этган жиноятлари учун жавобгарлик масаласи тартибга солинган бўлиб, ушбу норма экстрадиция институти билан узвий боғлиқ. Мазкур моддага мувофиқ, Ўзбекистон фуқароси чет эл ҳудудида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномаларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, хорижий давлатга экстрадиция қилиниши мумкин эмас [10]. Бу ҳолат экстрадиция жараёнида Ички ишлар вазирлиги томонидан йиғиладиган ахборот ва материаллар якуний қарор қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини кўрсатади ҳамда миллий суверенитет, ва фуқароларни ҳимоя қилиш принципини ифода этади.

Жиноят-процессуал кодексида эса экстрадиция тартиби, ваколатли органлар, сўровларни юбориш ва ижро этиш қоидалари батафсил тартибга солинган [11]. Айниқса, экстрадиция бўйича сўровларни тайёрлаш ва ижро этишда қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалар талабларига қатъий риоя этилиши белгиланган. Бу нормалар экстрадиция жараёнида ваколатли ташкилотлар ўртасидаги процессуал вертикални белгилаб, ҳар бир идоранинг вазифалари чегарасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бироқ мазкур нормаларда экстрадиция жараёнида идоралараро ҳамкорликнинг амалий механизмлари тўлиқ деталлаштирилмаган бўлиб, бу ҳолат амалиётда ваколатлар тақсимоотида ноаниқликларга олиб келмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида халқаро ҳамкорлик, жумладан экстрадиция билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган [12]. Мазкур қонун экстрадиция жараёнида Ички ишлар органларининг амалий имкониятларини белгилаб берувчи муҳим манба сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг экстрадиция соҳасидаги институционал ўрни.

Ўзбекистон Республикасида экстрадиция жараёнида Ички ишлар вазирлиги муҳим амалий ўрин тутати. Бу ҳолат унинг жиноятчиликка қарши курашиш, қидирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи сифатидаги мақоми билан белгиланади. Экстрадиция жараёнида шахсни аниқлаш, унинг жойлашган манзилини белгилаш, вақтинчалик ушлаб туриш ҳамда ваколатли органларга тегишли ахборотни тақдим этиш ИИВ органларининг асосий амалий вазифаларидир.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг экстрадиция соҳасидаги иштироки мустақил процессуал қарор қабул қилиш билан эмас, балки ваколатли органлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий ижросини таъминлаш билан ифодаланади.

ИИВ фаолиятида экстрадиция соҳасининг муҳим элементи сифатида Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюроси алоҳида аҳамият касб этади. Интерпол ММБ халқаро қидирувни ташкил этиш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ахборот алмашиш ҳамда экстрадиция жараёнини бошлаш учун зарур маълумотларни йиғишни таъминлайди [13]. Амалиёт шуни кўрсатадики, шахснинг жойлашган жойи аниқланмасдан туриб, экстрадиция масаласини ҳал этиш мумкин эмас, шу боис халқаро қидирув экстрадиция жараёнининг бошланғич ва ҳал қилувчи босқичи деб баҳоланади.

Экстрадиция жараёни ИИВ тизимида фақат Интерпол ММБ билан чекланиб қолмайди. Тергов бўлинмалари, тезкор-қидирув хизматлари, терроризмга қарши курашиш бўлинмалари ҳамда миграция органлари томонидан тайёрланадиган ҳужжатлар экстрадиция сўровларининг асослилигини таъминлайди.

Экстрадиция жараёнида идоралараро ҳамкорлик.

Экстрадиция амалда бир нечта давлат органларининг ўзаро мувофиқлашган фаолияти натижасида амалга оширилади. Ушбу жараёнда Бош прокуратура процессуал марказ сифатида экстрадиция тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва қонунийлик устидан назоратни амалга оширади. Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик каналлар орқали халқаро ҳамкорликни таъминлайди, Давлат хавфсизлик хизмати ва Божхона органлари эса хавфсизлик ва чегара билан боғлиқ масалаларда иштирок этади.

Ички ишлар вазирлиги эса мазкур идоралараро тизимда амалий ахборотни бирлаштирувчи ва қарорларнинг ижросини таъминловчи марказий бўғин сифатида фаолият юритади. Шу тариқа, экстрадиция соҳасидаги идоралараро ҳамкорлик миллий даражада функционал тақсимотга, халқаро даражада эса ўзаро ҳуқуқий ёрдам механизмларига таянади.

Экстрадиция амалиётидаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Таҳлиллар экстрадиция соҳасида ҳуқуқий асослар мавжуд бўлишига қарамасдан, амалиётда қатор идоравий ва ташкилий муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатади. Қуйида ушбу муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклифлар изчил тарзда баён этилади.

Биринчи навбатда, иштирокчи органлар ўртасида ваколатларнинг аниқ тақсимланмагани экстрадиция жараёни самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида, Ички ишлар вазирлигининг экстрадиция соҳасидаги функцияларини ягона норматив ҳужжатда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Экстрадиция жараёнида идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида экстрадиция ишлари бўйича махсус мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.** Ушбу марказ экстрадиция сўровларини тайёрлаш ва ижро этишни мувофиқлаштириш, халқаро қидирув

натижаларини умумлаштириш ҳамда ушлаб берилаётган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторингни таъминлаш вазифаларини бажариши мумкин.

Экстрадиция жараёни самарадорлигини оширишда ташкилий-техник чоралар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ИИБ, Бош прокуратура, Ташки ишлар вазирлиги ва бошқа ваколатли органлар ўртасида экстрадицияга оид ахборот алмашувини таъминлайдиган ягона электрон платформани жорий этиш, процессуал ҳужжатларни электрон шаклда тайёрлаш ва мувофиқлаштириш механизмларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, экстрадиция жараёнида инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида хорижий давлатлар томонидан бериладиган кафолатларни баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда экстрадиция масалалари бўйича суд назоратини кучайтириш зарур.

ХУЛОСА:

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Экстрадиция институти Ўзбекистон Республикасида халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва миллий қонунчилик нормалари уйғунлигида шаклланган комплекс ҳуқуқий механизм ҳисобланади;

2. Экстрадиция жараёнида Ички ишлар вазирлиги процессуал қарор қабул қилувчи орган эмас, балки қарорларни амалий таъминловчи асосий институционал субъект сифатида иштирок этади;

3. Экстрадиция соҳасида идоралараро ҳамкорликнинг самарадорлиги ваколатларнинг аниқ тақсимланиши ва мувофиқлаштирувчи механизмларнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ;

4. Экстрадиция жараёнида инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида қийноқ ва ғайриинсоний муносабат хавфини баҳолаш мезонларини ЖПКда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Номоконов В. Организованная преступность: транснациональные признаки (Nomokonov V. Organized crime: transnational characteristics) // <http://www.crime-research.ru/library/Nomokon2.html>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони ПФ-5005-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5005 dated April 10, 2017 “On measures to radically increase the efficiency of the activities of internal affairs bodies, strengthen their responsibility in ensuring public order, reliable protection of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens”)

3. Уголовный процесс. Коллектив авторов. Учебник. ТГЮУ.2021. (Criminal Procedure. Collective authors. Textbook. TSUL. 2021.)

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар. – Учинчи нашр / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. – Тошкент, 2012. – 299 б. (National Center for Human Rights of the Republic of Uzbekistan. Organization for Security and Cooperation in Europe: obligations in the field of human rights. – Third edition / Editor-in-chief of the Uzbek edition A.Kh. Saidov. – Tashkent, 2012. – 299 p)

5. Лукашук И. И. Международное право. Особенная часть : учебник.-3-е изд., перераб. и доп. – М. : Норма, 2005.- 452 с. (Lukashuk I. I. International law. Special part: textbook. - 3rd edition, revised and enlarged. - М.: Norma, 2005. - 452 p.)

6. Умарханова Д. Ш. Жиноят содир қилган шахсларнинг экстрадицияси бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик : автореф. дис. ... юрид. фан номз.-Тошкент, 2010.7-б. (Umarkhanova D.

- Sh. International legal cooperation on the extradition of persons who have committed crimes: author's abstract. dissertation ... candidate of legal sciences - Tashkent, 2010.7-p.)
7. Сафаров Н.А. Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики : дис. ... д-ра юрид. наук : 12.00.10. – М., 2007. – 26 с. (Safarov N.A. Extradition in international criminal law: problems of theory and practice: dis. ... Doctor of Law: 12.00.10. – M., 2007. – 26 p.)
8. Карпович В. Э. Экстрадиция лиц для уголовного преследования или исполнения приговора: проблемы теории и практики // Вестник Владимирского юридического института. 2023. № 4(69). С. 53–61. (Karpovich V. E. Extradition of persons for criminal prosecution or execution of a sentence: problems of theory and practice // Bulletin of the Vladimir Law Institute. 2023. No. 4 (69). P. 53–61)
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Янги таҳрир. – Тошкент, 2023. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. – New edition. – Tashkent, 2023)
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент, амалдаги таҳрир. (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, current edition.)
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент, амалдаги таҳрир. (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, current edition)
12. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – 2012 йил 25 декабрь, ЎРҚ-344-сон. (Law of the Republic of Uzbekistan “On Emergency Search Activities”. – December 25, 2012, No. ZURQ-344)
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 343-сонли “Ўзбекистон Республикасида Интерполнинг миллий марказий бюроси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори. (Decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 343 dated June 2, 2017 “On measures to improve the activities of the National Central Bureau of Interpol in the Republic of Uzbekistan”)